



## ПОЙТАХТИМИЗ ЙЎЛЛАРИДА ПИЁДАЛАРНИНГ “ЁШИ”ГА ҚАРАБ УЛАР ИШТИРОКИДАГИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЙЎЛ -ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

- Бахтиёр Рахмат** (Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси)
- Каримов Озоджон Узокович** (Тошкент давлат транспорт университети асистенти)
- Комилова Омина Мухторжон қизи** (Тошкент давлат транспорт университети талабаси)

### Аннотация:

Мавзу ҳозирги кунда долзарблигидан келиб чиқкан ҳолда, Тошкент шаҳар кўчаларида пиёдаларнинг “ёши”га қараб улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларнинг таҳлили ва ушбу пиёдаларнинг “ёши”га қараб улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ҳамда уни камайтириш чора-тадбирлари ҳақида.

### Abstract:

Based on its current relevance, the topic is about the analysis of traffic accidents involving pedestrians on the streets of our capital depending on their age, and measures to prevent and reduce traffic accidents involving these pedestrians depending on their age.

**Калит сўзлар:** кекса пиёдалар, юриш имконияти, авариялар частотаси, хавфсизлик даражаси, хавфсизликни баҳолаш, “ёши катта” пиёдалар,



композит кўрсаткич, бахтсиз ҳодисалар.

**Keywords:** elderly pedestrians, walkability, accident frequency, safety level, safety assessment, "older" pedestrians, composite index, accidents.

*Пойтахтимиз аҳолисининг жадал равишида ўсиши, шу билан бирга йўлларда ҳам транспорт воситаларининг кўпайганилиги, ўз навбатида, ўзига хос масалаларнинг ечимини талаб этмоқда. Айни вақтда Республика миздаги барча йўллар билан бир қаторда Тошкент шаҳри йўллари, маҳалла ва кўчалари ҳам қайта таъмирланиб, давлатимиз раҳбарининг “Обод маҳалла”, “Обод кўча” Дастури асосида йўлларнинг аҳволига жуда катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, транспорт воситаларининг равон ҳаракатланиши учун бирмунча қулайликлар яратилиб келинмоқда. Эндиликда транспорт воситалари ҳаракатланаётган йўлларнинг сифатини янада ошириш борасида кўпгина амалий ишлар олиб бориляпти. Аммо бу борада ечим излашга мажбур қилиб келаётган яна бир жиоддий муаммо бор. Ҳозирги кунда долзарблигидан келиб чиқсан ҳолда, пойтахтимиз кўчаларида пиёдаларнинг ёшига қараб улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларнинг таҳлили ва ушбу пиёдаларнинг ёшига қараб улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини содир этилаётгиларни ҳанузгача долзарблигича қолмоқда.*

Йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масалалар муҳокамасида маълум бўлишича, бу борада энг асосий муаммо — ҳайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўнимларни, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл

# THE PROGRESS OF SCIENCE JOURNAL



ҳаракати иштирокчилариға ўзаро ҳурмат ва муомала маданиятининг ўта пастлигида. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо қўлланиляпти, лекин натижага кутилганини бермаяпти. Таъмирталаб йўлларни созлаш, яроқсиз ҳолга келиб қолган йўл белгиларини янгисига алмаштириш ишлари амалга ошириляпти. Аммо пиёдалар иштирокидаги ЙТҲларнинг салбий ракамлар кун сайин эмас, соат сайин ошмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, айни юқорида тилга олинган масала бугун кўпчилигимизни ўйлантириб, қийнаб келаётган долзарб муаммолардан бирига айланди. Энг ачинарлиси содир бўлаётган аксарият йўл-транспорт ҳодисаларда турли ёшдагилар, аёллар ва ёш болалар ҳаётдан кўз юмоқда.


Жумладан, 2023 йил бошидан 31 август 2023 йил қадар умумий содир этилган ЙТҲ жами 836 тани, ҳудди шу даврга ўтган 2022 йилда 720 тани ташкил этиб, фоиз ҳисобидан 116/16,1 ни ташкил этган, ҳалок бўлганлар 84/100 тани, фоизда -16/-16,0 ни, жароҳат олганлар эса 935/848 тани ва 87/10,3 фоизни ташкил этган.

2023 йилнинг 8 ойи давомида болалар иштирокидаги содир этилган ЙТҲ жами 156 тани, ҳудди шу даврга ўтган 2022 йилда 100 тани ташкил этиб, фоиз ҳисобидан 56/56,0 ни ташкил этган, ҳалок бўлганлар 7/12 тани, фоизда -5/-41,7 ни, жароҳат олганлар эса 164/100 тани ва 64/64,0 фоизни ташкил этган.

# THE PROGRESS OF SCIENCE JOURNAL



Шулардан, **01-07 ёшгача бўлган болалар иштирокида** жами ЙТХ 2023/2022 й.й. 8 ойида 50/39 та содир этилган бўлиб, 11/28,2 фоизни ташкил этган, ҳалок бўлганлар 3/3 тани, жароҳат олганлар 50/40 тани ташкил этиб, фоиз ҳисобида 10/25,0 , **08-15 ёшгача бўлган болалар иштирокида** жами ЙТХ 2023/2022 й.й. 8 ойида 107/65 та содир этилган бўлиб, 42/64,6 фоизни ташкил этган, ҳалок бўлганлар 5/9 тани, фоиз ҳисобида -5/-55,6 ни, жароҳат олганлар 114/60 тани ташкил этиб, фоиз ҳисобида 54/90,0 ни ташкил этган.



Ушбу пиёдалар иштирокидаги ЙТХларнинг сабаблари кўп. Аммо энг асосий сабаблардан биттаси бу ҳайдовчиларнинг қонунга итоат қилмаслиги ва ўзаро хурматнинг йўқолиб бораётганлиги. Масалан, бирон бир пиёдалар ўтиш йўлакчида йўл белгиси, йўл чизиқлари мавжуд бўлсада, аммо шу яқин жойда йўл-патруль хизмати ходими ёки камера ўрнатилмаган бўлса, ҳайдовчилар у ёқ бу ёқларга қарагандек бўладида, пиёдалар йўл четида турган бўлишига қарамай, қоидага риоя этмай газ педалга босиб ўтиб кетади.



Натижада унинг ортида келаётган транспорт воситаси ҳам шу ҳолатни қайтармоқчи бўлиб пиёдаларга йўл бермай ўтиб кетади ва ҳоказо. Оқибатда айrim пиёдалар /ёшига қараб/ сабрсизлик билан ишга, ўқишга ёки яна бирон бир жойга шошилаётган бўлиб, йўл қатнов қисмидан ўтишга ҳаракат қилиб кўради ва ниҳояси аянчли ҳолат билан тугашига олиб келади. Автоҳалокатлар сони ортишида пиёдаларнинг ҳиссаси ҳам катта. Пиёдаларнинг кўчаларда юриш, кесиб ўтиш маданияти йил сайин камайиб кетаяпти. Мисол учун, светофор билан бошқарилмайдиган пиёдалар ўтиш йўлакчаларида кўпинча гувоҳ бўламиз, “ёши катта” пиёдалар ҳам транспорт воситаларини пиёдалар йўлакчасига бир неча метр қолганда ҳам чиқиб келаверишади. Айrim пиёдалар бирон бир жойга шошилаётган бўлиб ёки йўлни қисқартириш мақсадида пиёдалар ўтиш йўлакчасидан ўтмай, йўлнинг хоҳлаган жойидан ўтиш мумкин бўлмаган ердан ўтишади. Сўнгги вактларда айниқса “ёши ўрта” бўлган пиёдалар бундай йўлакчаларда қулоқларига қулоқчинлар тақиб олиб, бепарволарча йўлни секин юриб ўтади. Унинг ўтишини эса сабрсизларча кутиб турган транспорт воситаси ҳайдовчилари бундай турдаги пиёдаларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Тошкент шахри бўйича жорий 2023 йилнинг 8 ойи давомида ўтган 2022 йил шу даврига ҳайдовчилар иштироқида жами ЙТҲлари: 157/153 та содир этилган бўлиб 4/2,6 фоиз, шулардан ҳалок бўлганлар 25/34 та -9/-26,5 фоизни, тан жароҳати олганлар 292/362 та -70/-19,3 фоизни ташкил этган.

# THE PROGRESS OF SCIENCE JOURNAL



-**Йўловчилар** иштирокида жами ЙТҲлари: 190/198 та содир этилган бўлиб -8/-4,0 фоиз, шулардан ҳалок бўлганлар 17/35 та -18/-51,4 фоизни, тан жароҳати олганлар 463/633 та 170/-26,9 фоизни ташкил этган.


-**Пиёдалар** иштирокида жами ЙТҲлари: 527/419 та содир этилган бўлиб 108/25,8 фоиз, шулардан ҳалок бўлганлар 62/68 та -6/-8,8 фоизни, тан жароҳати олганлар 604/472 та 132/28,0 фоизни ташкил этган.

-**Велосипедчи** иштирокида жами ЙТҲлари: 32/28 та содир этилган бўлиб 4/14,3 фоиз, шулардан ҳалок бўлганлар 3/6 та -3/-50,0 фоизни, тан жароҳати олганлар 30/25 та 5/20,0 фоизни ташкил этган.

-**Аравакаш** иштирокида жами ЙТҲлари: 2/0 та содир этилган бўлиб 2/100,0 фоиз, шулардан ҳалок бўлганлар йўқ, тан жароҳати олганлар 3/0 та 3/100,0 фоизни ташкил этган.



## ЙТҲ ҚАТНАШЧИСИ ТОИФАСИ



2021 йилда пиёдалар иштироқидаги ЙТҲларда Европада пиёдалар ўлими 20-22 % ни ташкил этган. Айрим давлатларда мисол учун, Руминия ва Польшада эса бу кўрсаткич 30-35 % ни ташкил этади. Пиёдалар томонидан содир этилаётган баҳтсиз ҳодисаларни аксариятини кесиб ўтишда ва айниқса кекса ёшдаги пиёдалар иштироқида содир бўлади .

Пиёдалар иштироқидаги содир этилаётган ЙТҲларини олдини олиш мақсадида кўплаб тадқиқот ишлари, хусусан пиёдалар билан содир этилаётган ЙТҲларининг хусусиятлари, ўтиш жойларида пиёдалар ва ҳайдовчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳамда пиёдалар ўтиш жойлари



хавфизлигини ошириш чора-тадбирларини баҳолаш бўйича ва ҳоказо. Бироқ, кўплаб омиллар ва хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва нисбий аҳамияти ҳали ҳам аниқ эмас. Шаҳар худудидаги пиёдалар ўтиш жойларининг хавфизлик даражасини махсус маълумотлар йиғиши шаклларидан фойдаланган ҳолда жойида текшириш асосида баҳолаш имконини берувчи методология тақдим этилган.

Энг зиддиятсиз пиёдалар йўли галереялардан ёки ер ости тоннелари ер усти кўприкларидан ўтади, лекин бунда уларнинг узунлиги қанча катта бўлса, одамлар ундан шунча фойдаланмасликка ҳаракат қиласидар. Чунки бунда пиёдалар оқимининг зичлиги ошиб кетади, табиий манзаралар кўринмай қолади, шунингдек аксарият пиёдаларнинг ёши қанча катта бўлса жисмонан, соғлиғи ва бошқа сабаблар туфайли юқорида кўрсатилган кўрилма ва пиёдалар йўлидан фойдаланмайди. Натижада йўлни қатнов қисмини кесиб ўтиш учун турли жойлардан ўтишга ҳаракат қилишади ва кўпинча баҳтсиз оқибатларга дуч келишади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, йўл ҳаракати қоидаларини бузган пиёдаларга кўриладиган чора-тадбирларнинг ўзи билан кўзланган мақсадга эришиш қийин. БМТ экспертларининг қайд этишича, ЙТҲнинг 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар ўлимининг асосий сабабчилариридир.

Пиёдалар хавфизлик даражасига ўтиш хусусияти аниқланган, яъни амалга оширилган ёндашувлар қўйидагилардан иборат бўлиб, булар :  
-муаммоларни аниқлаш ва хавфизликни баҳолаш мезонларини танлаш;  
-мезонларни тортиш, кесишиш хусусиятлари асосида хавфизлик даражасини ифодаловчи композит кўрсаткични аниқлашдир.



## Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2022 йилдаги 190-сонли қарори.
2. “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўз.Р. ВМнинг қарори, 12.04.2022 йил. №172.
3. Аземша С.Н., А.Н.Старовойтов. Применение научных методов в повышении БДД. Гомель, 2017 год.
4. Клинковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. Организация дорожного движения: Учеб. Для вузов – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Транспорт, 2001.
5. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасьев М.Б. “Технические средства ОДД” : учебник для вузов. – м.: ИКЦ «Академкнига», 2005.
6. Қ.Х.Азизов: “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”. Тошкент 2009.- 264 б.
7. Сильянов В.В. и др. Безопасность дорожного движения. Справочная энциклопедия дорожника (СЭД). Т. VIII.–М.:ФГУП «ИНФОРМАВТОДОР», 2008.
8. Методические рекомендации по назначению мероприятий для повышения безопасности движения на участках концентрации ДТП. – М.: Федеральное дорожное агентство (РосАвтоДор), 2006
9. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ статистика маълумотлари @Militsiya\_Uzb.

# THE PROGRESS OF SCIENCE JOURNAL



<https://cyberleninka.ru/article/n/haydovchilarni-tayyorlashda-raqamli-o-zbekiston-2030-dasturini-joriy-etish>